



Научно-практический электронный журнал

# **МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА**

ISSN 2658-7998



Выпуск №71 (том 1)  
(апрель, 2025)



Международный научно-практический  
электронный журнал «МОЯ  
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

Сайт: [mpcareer.ru](http://mpcareer.ru)

ISSN 2658-7998

УДК 001

ББК 94

**Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск №71 (том 1) (апрель, 2025).**

**Дата выхода в свет: 30.04.2025.**

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Информация об опубликованных статьях предоставляется в систему Российского индекса научного цитирования (РИНЦ) и размещена на платформе научной электронной библиотеки (eLIBRARY.RU). **Лицензионный договор № 284-07/2019 от 30 июля 2019 г.**

Миссия научно-практического электронного журнала «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает представителей экспертного сообщества, докторов, преподавателей, научных сотрудников, бакалавров, магистрантов, аспирантов и иных лиц, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов



## СОДЕРЖАНИЕ

Название научной статьи, ФИО авторов	Номер страницы
<b>ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ НАУКИ</b>	
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЙ И ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ ОБЩЕСТВЕННЫХ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ Богданова Е.С.	8
СПЕЦИФИКА ОСНОВНЫХ ЭТАПОВ ПСИХОДИАГНОСТИЧЕСКОГО ОБСЛЕДОВАНИЯ Караванов А.А., Богословский П.В., Филоненко Л.В.	16
ОСОБЕННОСТИ НАСЛЕДОВАНИЯ В МЕЖДУНАРОДНОМ ЧАСТНОМ ПРАВЕ Иванова Ю.М., Чистякова П.С.	29
АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ МЕЖДУНАРОДНОГО УСЫНОВЛЕНИЯ Третьякова А.А., Киек Д.В.	36
ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ РАСПОРЯЖЕНИЯ ОБЩИМ ИМУЩЕСТВОМ СУПРУГОВ В МЕЖДУНАРОДНОМ ЧАСТНОМ ПРАВЕ Гузиченко Е.В., Смирнова Е.Д., Буторина Т.Н.	43
ПРОБЛЕМА ЗЛОУПОТРЕБЛЕНИЯ ПРАВОМ В СФЕРЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ЧАСТНОГО ПРАВА Обухов А.А., Калинин В.А.	52
КОЛЛИЗИОННО-ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ БРАКА И РАЗВОДА Косолапов С.А., Репин В.А.	60
ИНСТИТУТ РЕТОРСИИ В МЕЖДУНАРОДНОМ ЧАСТНОМ ПРАВЕ Буторина Т.Н., Демидова А.А., Рыбина Я.В.	69
ЗНАЧЕНИЕ ПЛАСТИКОВЫХ ТРУБ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ Сейтиев А.С., Атаев О.К.	76
ОПРЕДЕЛЕНИЕ МЕСТА ЖИТЕЛЬСТВА РЕБЕНКА ПРИ РАЗВОДЕ РОДИТЕЛЕЙ ИЗ РАЗНЫХ СТРАН Бердинских А.А., Титизян А.А.	82
АКЦИЯ ДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ ВА УНИНГ САМАРА ДОРЛИГИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ Олтаев Ш.С.	91
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТИТОРЛАР ОРҚАЛИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ Олтаев Ш.С.	97
ДАВЛАТ МОЛИЯСИ СОҲАСИДА ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТЛАШТИРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ Олтаев Ш.С.	103
МАМЛАКАТДА ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Олтаев Ш.С.	111



*Олтаев Ш.С.*

СамИСИ доценти, и.ф.н.

## **МАМЛАКАТДА ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ**

Мамлакатда лизинг муносабатларини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати тенденциялари ва омил жиҳатларини қиёсий таҳлил қилиш муаллифга қуйидаги чекловларни аниқлаш имконини берди, хусусан:

биринчидан, лизинг компанияларининг капиталлашув даражаси етарли эмаслигича қолмоқда (бу тижорат банклари ва бошқа халқаро инвестиция-кредит институтлари томонидан уларга нисбатан ишончсизликни келтириб чиқаради), бу эса лизинг компанияларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш даражасини, лизинг компанияларининг молиявий ресурслардан корпоратив бошқарув ва МХХСдан (ҳалқаро солиқ ҳисоби талаблари, статистик ва бухгалтерия ҳисоботидан) фойдаланиш имкониятларини чеклайди;

иккинчидан, активларни харид қилиш бўйича иқтисодий механизмлар ривожланмаганлиги сабабли лизинг компанияларининг қимматли қоғозлар бозоридаги иштирокини чеклаш, шунингдек, лизинг хизматларининг сифати билан боғлиқ инвесторларнинг бўш маблағларини инвестицияга йўналтиришга рағбатлантириш, бу қонун ҳужжатлари ва меъёрий-ҳуқуқий нормалар сифати билан боғлиқ;

учинчидан, лизинг воситасидан фақат тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш, қонун ҳужжатларида чекловлар мавжудлиги сабабли халқаро амалиётда кенг оммалашган истеъмол лизингининг мавжуд эмаслиги, унга кўра лизингдан истеъмол мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас;

тўртинчидан, лизинг хизматлари бозори фаолиятида минтақавий номуносивликлар мавжудлиги сабабли лизинг хизматлари бозорининг 40% га яқини Тошкент шаҳрига тўғри келади ва лизинг инвестицияларидан технологик



модернизациялашда фаол фойдаланиш имкониятини чеклайди. Бу лизингнинг моҳияти, кадрлар малакаси даражаси, лизинг компаниялари, брокерлик ва консалтинг фирмалари ва минтақа миқёсида лизинг бозорининг барча иштирокчиларига хизмат кўрсатиш тузилмалари тармоғининг етарли даражада ривожланмаганлиги;

бешинчидан, лизинг хизматлари бозори тўғрисида тизимли ва фойдаланиш мумкин бўлган ахборот таъминоти етарли даражада эмаслиги, лизинг компаниялари, миждозлар (CRM), лизинг амалиётларини ўтказиш шартлари ва механизмлари ҳақидаги маълумотлар чекланганлиги билан боғлиқ.

Лизинг инвестициялари механизми ривожланган кўплаб мамлакатларда лизингни ривожлантириш бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, умуман бутун ҳудудда, тармоқлар ёки алоҳида минтақаларда жорий этилган. Лизинг компаниялари рақобатбардошлигини ошириш, диверсификация қилиш ва миждозлар базасини кенгайтириш мақсадида инновацион, истеъмолчи, тезкор ва иккиламчи лизинг хизматларини илгари суриш орқали бозорнинг янги сегментларини ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда лизинг муносабатларини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқилиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда лизинг инвестицияларини ривожлантириш стратегиясининг устувор йўналишлари қуйидагиларни қамраб олади:

биринчидан, лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, у лизинг олиш эҳтимоли бўлганлар ва лизинг берувчилар доирасини кенгайтириш, қонун ҳужжатларида истеъмол, қайтарилувчи, тезкор лизинг ва левеиж лизинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга ёрдам берувчи интеллектуал мулк маҳсулотлари ва бошқа объектларни лизингга беришни ривожлантириш имкониятлари билан боғлиқ;

иккинчидан, иқтисодиётнинг реал сектори, хусусий тадбиркорлик субъектларининг лизинг лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий кредит линиялари ва халқаро молия институтлари маблағларини жалб этиш;



учинчидан, лизинг лойихаларини қайта молиялаштириш механизмини жорий этиш ва улар бўйича тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан кафолатлар бериш халқаро молия институтларининг жалб этилган молиявий ресурслари, шунингдек, лизинг амалиётларини молиялаштириш учун кредит линияларини очиш механизмини амалга оширишга мутаносибдир;

тўртинчидан, ҳудудий табақаланишни камайтириш, лизинг олувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларга жойларда, шу жумладан эркин иқтисодий, инновацион ва кичик саноат зоналарида сифатли хизмат кўрсатиш, лизинг компаниялари филиалларини республика ҳудудларида ташкил этиш, шунингдек, ҳамкор компанияларнинг ҳудудий тармоқларидан фойдаланиш; янги бутланган техникани етказиб беришни ташкил этиш ва юқори технологияли модуларни (масалан, агросаноат мажмуасининг қайта ишлаш корхоналари учун) жорий этиш орқали ягона техникани етказиб беришнинг анъанавий лизинг механизmidан технологик лизинг концепциясига ўтиш; ускуналар синергик ва мультипликатив самара берувчи қўшимча қиймат занжири бўйлаб етказиб берилса, кластерли лизинг технологиялари, бизнес-режани тайёрлашдан тортиб ходимларни ўқитишгача бўлган «калит топшириш» лизингини жорий этиш; инновацияларни молиялаштиришнинг мослашувчан воситаси сифатида инновацион лизинг механизмини жорий этиш (ҳозирги босқичда инновацион лизинг юқори технологияли ускуналарни бозорга олиб чиқишнинг асосий шаклларида бирига айланиб бормоқда). Инновацион лизингдан фойдаланиш нафақат иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари инновацион жозибадорлигини ошириб қолмай, балки лизинг хизматларининг тўлиқ тўплами (full-service leasing) сингари инновацион турларини ҳам жорий этиш имкониятини яратади;

бешинчидан, лизинг компаниялари фаолиятининг барча йўналишларида маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш жараёнларини автоматлаштиришга қаратилган рақамли технологиялар ва платформа ечимларини жорий этиш, бу катта маълумотлар (Big Data) га асосланган бизнес-



тахдил (БТ) усулларидан фойдаланиш имконини беради. Бунинг учун маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш (рақамли «Агрегатор», «Showroom» виртуал В2В савдо платформаси), шу жумладан, маълумотлар марказларини яратиш лойиҳаларида иштирок этиш учун технологик ва дастурий инфратузилмани яратиш талаб этилади. Компаниялар фаолиятининг барча йўналишларидаги жараёнларни автоматлаштириш, уларни электрон ҳужжат айланмасига ўтказиш, компания бошқарувининг интеграциялашган тизимларини жорий этиш зарур, бу эса барча бизнес жараёнларни имкон қадар шаффоф қилиш, инсон омили билан боғлиқ ноҳолисликни бартараф этиш, рақамли технологиялардан «Агрегатор» лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш воситаси сифатида фойдаланиш имконини беради;

олтинчидан, аҳолининг уй-жой, енгил автомобиллар, маиший техника, мебель ва бошқа қимматбаҳо уй-рўзғор буюмларини сотиб олишда харид қобилиятини ошириш ҳисобига маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш мақсадида ихтисослаштирилган (кэптив) (масалан, автомобилсозлик саноатида) лизинг компаниялари, шунингдек,

микролизинг институтини ташкил этиш (хусусий ва кичик фирмалар, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш, хусусан, сабзаёт ва мевалар, озиқ-овқат, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш учун кичик ускуналар ва тикув ускуналарини лизингга бериш);

еттинчидан, лизинг компанияларининг қимматли қоғозларини чиқариш ва муомалага киритиш механизмини жорий этиш, бу уларнинг ресурс базасини кўпайтириш, шунингдек, лизингнинг якуний баҳосини пасайтириш, мулкнинг жадал эскириш механизмидан фойдаланиш, машина ва ускуналарнинг иккиламчи лизингини ривожлантириш, шунингдек асосий фондларнинг қолдиқ қийматини аниқлаш усулини такомиллаштириш имконини беради.



## АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев Ф.О. Иқтисодиётни модернизация қилишда лизинг хизматлари ва сервисини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий омиллари (Хоразм вилояти мисолида) и.ф.н. илм. дараж. олишучун ёзилган диссерт. автореф. - С.: СамИЭС, 2011. - 26.б.
2. Базаров Ш.Т. Содержание договора лизинга и совершенствованиеправовых основ его применения. Автореф.диссер. на соискание ученой степени к.ю.н., 2021. - 34 с.
3. Газман В.Д. Лизинг. Статистика развития. - М.: ГУ ВШЭ, 2020. - 592 с.
4. Горемыкин В.В., Марущак И.И., Яковлева И.Н. Финансово-экономический механизм лизинговых отношений. Т. 2: Монография. - Москва: Русайнс, 2017., 346 с.
5. Газибеков Д.Г. ва б. Лизинг муносабатлари: назарияси ва амалиёти. - Т.: Фан ва технология, 2004 -308 с.
6. Пардаев М.Қ., Олтаев Ш.С., Пардаева О.М., Тагирова Н.Б. Ҳар бир оилада тадбиркорлик-ўзини-ўзи банд қилиш имконияти. Амалий тавсия. Самарқанд, 2018. СамИСИ, 240
7. Oltayev Sh.S. Innovative Ways of Implementing Digital Transformation in the Educational System. Middle European Scientific Bulletin, 2024, 44, 38-43
8. Oltayev Sh.S. Quality of Education In Higher Education Institutions of Our Country and Innovative Directions of Increasing Competitiveness. Miasto Przyszłości, 2023, 42, 253–256
9. Oltayev Sh.S. Statistical Analysis of the Regional Development of Small Business and Private Entrepreneurship Activity (In the Case of Samarkand Region). Academic Journal of Digital Economics and Stability. 2022, 1 (24), 1-6
10. Олтаев Ш.С. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни. Интернаука, 2020, 57-58



11. Холикулов А.Н., Олтаев Ш.С., Рахимов А.А. Проблемы развития антимонопольного управления в контексте развития национальной экономики. Лучшая исследовательская работа 2021, 55-59

12. Oltayev Sh.S. The service sector as the enhancing in raising the standard of living of the population. Вопросы управления и экономики: современное состояние актуальных проблем ... 2020.

13. Oltaev Sh.S. Purposeful formation of the high quality of providing economic growth in the country. Web of Teachers: Inderscience Research, 2024, 2 (3), 273-280

14. Oltaev Sh.S. The Role Of The State In The Innovative Development Of Tourism. The American Journal of Management and Economics Innovations, 2021, 3 (10), 17-20

15. Олтаев Ш.С. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарадорлигини оширишда давлатнинг роли. Интернаука, 2021, 50-53

16. Олтаев Ш.С. Ишчи кучи миграцияси тушунчасига берилган таърифларнинг таснифланиши. Scientific progress. 2021, 2 (4), 857-861

© Олтаев Ш.С., 2025